

Ishonch

2019 йил 14 апрель • якшанба • № 49 (4178)

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ:

ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ БАРҚАРОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қозоғистон халқаро ахборот агентлиги – Kazinform ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАга Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эришилган натижалар, ҳамкорликни ривожлантиришнинг жорий ҳолати ва истиқболлари ҳусусида интервью берди.

– Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сўй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Бугун Қозоғистон ва Ўзбекистон олдида қандай умумий мақсад ва вазифалар турибди?

– Мустақилликнинг илк кунларидан буён Қозоғистон ва Ўзбекистон елкама-елка қўл тутиб, мураккаб даврларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, бир-бирининг муваффақиятларидан қувониб келмоқда. Халқларимиз ўртасида мамлакатларимиз тараққиётига эришишдек ягона мақсадга асосланган мустақам ва ўзаро уйғун муносабатлар қарор топган.

Давлатларимиз ўртасида стратегик шерикликни мустақамлашда Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоев ва Ўзбекистон Президенти

Шавкат Миромонович Мирзиёев асосий роль ўйнади.

Миллат раҳнамоси яқин қўшнилар билан алоқаларни ривожлантиришга доимий равишда алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шунинг учун мамлакатингиз Қозоғистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сирасига киради. Биз халқларимизни янада яқинлаштириш йўлидаги сўй-ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чегараолди ҳамкорлигини мустақамлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатларимиз ушбу соҳаларда юксак салоҳиятга эга. Ҳукуматларимиз 2020 йилда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказишни мақсад қилган.

Инвестиция, саноат корпорацияси, қўшма ишлаб чиқаришларни ривожлантириш соҳаларидаги самарали ва кенгайиб бораётган ҳамкорликка оид мисоллар мам-

лакатларимиз манфаати йўлидаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустақамлашга бўлган интилишларимизга тўлиқ мос келади.

Шерикликнинг бекиёс истиқболлари транзит-транспорт соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган Қозоғистон ва Ўзбекистон учун транзит инфратузилмасини такомиллаштириш ва бошқа мамлакатлар билан транспорт кооперациясини ривожлантириш биринчи галдаги вазифалардандир.

Нур-Султон ва Тошкент ўртасида хавфсизлик борасидаги алоқалар мустақамлашиб бораётгани ҳам ўзаро ишончдан далolatдир. Биз барчамиз учун умумий бўлган терроризм, диний экстремизм, ноқонуний қурол савдоси, уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва наркотрафик сингари минтақавий муаммоларга дуч келмоқдамиз. Минтақамиз хавфсизлигига таҳдид солаётган Афғонистондаги вазият ҳам жиддий хавотирга сабаб бўлмоқда.

2»



8 тилда ахборот тарқатадиган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистонда «Қозоғистон йили»нинг очилиши муносабати билан веб-сайтида илк бор қозоқ тили саҳифасини ишга туширди.

uza.uz

Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури»ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

Ўзбекистон ва Россия ўртасида илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

kun.uz

Россия Федерацияси Давлат ду-масининг Мудофаа бўйича қўмитаси раиси Владимир Шаманов бошчилигидаги Россия Қаҳрамонлари Ассо-циацияси делегацияси Самарқандга ташир буюрди.

uza.uz

Корея Республикасининг Ахборот жамияти масалалари бўйича миллий агентлиги президенти Енг Сик Мун бошчилигидаги делегация расмий ташир билан юртимизга келди.

nam.uz

Юртимизда Финляндия Республикаси Фахрий Консуллиги очилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги PR маркази

Ўзбекистонда Отелерлар ассоциацияси тузилди.

uzbektourism.uz

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари тайинланди.

uza.uz

Дадажон Исроқов «Ўзбекистон миллий электр тоқулар» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси этиб тайинланди.

kun.uz

Носир Хўжаев Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг ижрочи директори этиб тайинланди.

«Хўқўқий ахборот» канали

Тошкент шаҳри

Пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийсида «Соҳибқирон сиймосида соғлом турмуш тарзи» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбир

Соҳибқирон ибрати

Унда Амир Темурунинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи фикрлари, «Темур тузуқлари» асарида маънавий ва жисмоний ҳаётнинг узвий боғлиқлигини тарғиб этувчи ҳикматлари ҳақида сўз юритилди. Соҳибқироннинг ёшлиги, спорт ва ҳарбий машғулоти ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.

Тадбир давомида «Энг кўп китоб ўқиган дам олувчилар» беллашуви ўтказилди. Унда биринчи ўринни санаторийда дам олаётган Яқкабоб тумани ҳокимияти Ахборот ресурслар маркази раҳбари Раҳима Шохобова эгаллади. Бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар бизга катта руҳий мадад беради, – дейди Наманган шаҳридан келган отахон А.Мубораков. – Санаторийда барча қулайлик бор. Соғлиғимизни тиклаш баробарида маънавий озуқа ҳам олаётганимиз бизни янада мамнун қилмоқда.

Маълумотларга кўра, санатор даволанишдан сўнг киши 1,5-2,5 баробар тезроқ ишлаб чиқариш меҳнатига қайтади, касаллик билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги кўрсаткичи 2-4 баробар камаёди. Дам олиш вақтида унга маънавий ва руҳий мадад берилиши эса инсоннинг ишчанлик кайфияти ва ҳаётга мухаббатини янада оширишига шубҳа йўқ.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ
«Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби

Андижон вилояти

Ҳаёт – камалакдек сержило

«Инсон кўнгли гулдан нозик», деган гап бор. Зеро, чанқаб турган гул-у чечак обиҳаётдан барқ уриб яшнаса, инсон қалби эътибор ва бир оғиз ширин сўздан шодликка тўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси Андижон вилоятида ҳам юзлаб эҳтиёжманд оилаларга қувонч, ўксик кўнглиларга ёруғлик бахш этгани рост.



Манзилли дастур доирасида ўз хонадонига эга бўлмаган ҳамда ночор аҳволда умргузаронлик қилаётган 97 та оилага замонавий турар-жойлар бунёдига маҳалла фуқаролар йиғинида қад ростлаган намунавий уй-жойлардан бирига беминнат кўчиб кириши ҳақидаги муждани эшитган кунни она-болаларнинг кўзларига қувончдан ёш келди.

Бахтни ҳар ким ўзича тасаввур қилади, – дейди Дилрабо Абдумаликова. – Ҳақиқий бахт тевақатрофда сен ҳақингда қайғурувчи, яхшилик улашишга интилувчи эзгу ниятли кишиларнинг меҳрини,

эътиборини ҳис қилишда экан! Кўп йиллик орзумиз ушлаганидан бекиёс мамнунимиз. Мана шундай фараҳбахш, унутилмас кунлар учун Президентимизга минг раҳмат.

Узуннор туманида яшовчи Бахтиёр Мартўғилов узоқ вақтдан бери шахсий турар-жойга эга бўлиш орзусида яшаётган эди. Оила вакиллари норасмий масжид биносидан истиқомат қилгани, бу ҳол имконияти чекланган хонадон соҳибини тобора умидсизликка тушириб қўйгани бор гап.

Энди Мартўғиловлар оиласи учун ҳам ҳар кун байрам, дунё – камалак рангидек жозибали. Улунор туманининг «Чўлобод» аҳоли пунктида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уч хонали шинам уй-жойлардан бирига кўчиб киришган кун қатта шодлиқнага айланган. Янги ҳовлини ташнанали топшириш маросимида маҳаллий ҳокимлик, жамоатчилик ҳамда касаба уюшма фаоллари оила вакилларига самимий кутловларини билдириб, совға-саломларни тўхфа этди.

Айниқса, оиланинг ёлғиз фарзанди бўлган жажжи Сарвинознинг шўх куй-қўшиқларга рақсга тушишини кўриб, барча меҳмонларнинг дили яшнади.

Ҳам ҳар кун байрам, дунё – камалак рангидек жозибали. Улунор туманининг «Чўлобод» аҳоли пунктида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уч хонали шинам уй-жойлардан бирига кўчиб киришган кун қатта шодлиқнага айланган. Янги ҳовлини ташнанали топшириш маросимида маҳаллий ҳокимлик, жамоатчилик ҳамда касаба уюшма фаоллари оила вакилларига самимий кутловларини билдириб, совға-саломларни тўхфа этди.

2»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ:

ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА
ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ БАРҚАРОРЛИК,
ХАВФСИЗЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Булларнинг барчаси биздан тизимли, баҳамжихат ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда.

Сув муаммоси билан боғлиқ ҳамкорлик масалалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Сув муносабатларининг барча йўналишларида минтақадаги бошқа шериклар билан яқин ҳамкорликда мунтазам равишда ишчи гуруҳ йиғилишлари ўтказилаётгани қувонарлиқдир.

Биз аъёнавий равишда маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз ва бу халқларимиз томонидан ижобий қарши олинмоқда.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида конструктив мулоқот йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган масала деярли йўқ экани таҳсинга сазовор. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, хавфсизлик ва жадал тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланган икки томонлама ҳамкорлигининг муваффақиятли ва самарали моделини ифода этади.

Менинг назаримда, Нур-Султон ва Тошкент олдидан турган муштарак мақсад ва вазифалар кенг қўламли ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

– **Маълумки, Элбоши Нур-Султон Назарбоев ва Президент Шавкат Мирзиёевни санимий дўстона муносабатлар боғлаб туради. Сизнинг Ўзбекистон раҳбари билан алоқангиз қандай?**

– Шавкат Миромонович мени Қозоғистон Президентлиги лавозимига киришганим муносабати билан биринчи бўлиб табриклардан давлат раҳбарларидан. Унга санимий сўзлари учун чин юракдан миннатдорлик изҳор этаман. Элбошимиз шаънига айтилган эзгу тилакларини ҳам Ўзбекистон раҳбарининг бизнинг юртимизга юксак эътироми ифодаси деб биламан.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда кенг қўламли ўзгариш-

ларни амалга ошириш ва мамлакатининг замонавий, халқаро майдонда рақобатбардош давлатга айлантиришдек тарихий миссияни ўз зиммасига олди. Унинг давлат бошқаруви тизимини изчил такомиллаштириш, иқтисодий ва молия секторини либераллаштириш, жамиятнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш йўлидаги ирода ва қатъияти чинакам қизиқиш ва чексиз ҳурмат уйғотмоқда.

Шавкат Миромонович барча куч-ғайрати, билими ва тажрибасини ушбу олижаноб мақсадларга эришишга йўналтирганига учрашувларимиз чоғида шахсан амин бўлганман.

2017 йилда Қозоғистон парламенти Сенати делегацияси раҳбари сифатида Тошкентга ташрифим чоғида у билан атрофлича суҳбат курганман. Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат тараққиётининг барча муҳим йўналишларига стратегик ёндашуви, минтақа ва дунёдаги вазиятни чуқур англаши шахсан менда катта таассурот қолдирган. Мамлакатларимиз тараққиёт масаласида биз яқин қарашга эгамиз ва бу фойда муҳим.

Бизнинг бундай ишончли ва мунтазам мулоқотларимиз қардош Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилишига қатъий ишонаман.

– **Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон йили якунлари ҳақида бугун қандай натижаларни қайд этиш мумкин?**

– Ушбу муҳим воқеани ўтказиш ҳақидаги қарор икки томонлама муносабатларимиз тарихида ёрқин саҳифа сифатида муҳрланди. Қозоғистонда Ўзбекистон йили юксак даражада ўтди. Мамлакатимизда халқларимиз, илм-фан, маданият, таълим муассасалари, тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган 200 дан зиёд тадбир ташкил этилди.

Қозоғистон – Ўзбекистон биринчи минтақалараро ҳамкорлик форуми ҳам муваффақиятли ўтди. Унинг якуни бўйича икки мамлакат ҳудудлараро алоқаларини янада ривожлантиришни кўзда тутувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ҳамкорлиқнинг бу шакли чегараолди ҳудудларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим

омили бўлиб хизмат қилиши, бизнеснинг давлатларимиз бозорларига кириб боришини жадаллаштириши, икки томонлама савдонинг сезиларли равишда фаоллаштириш имконини беришига ишончим комил. Шу йўсинда, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси тахминан 50 фоизга ўсиб, 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Икки давлатнинг ўзаро яқинлашуви халқларимиз томонидан катта мамнуният билан қутиб олинаётганини қайд этиб ўтмоқчиман. Бинобарин, қардош мамлакатга илк давлат ташрифим Ўзбекистонда Қозоғистон йили очилишига тўғри келганида чуқур раъзий маъно бор.

– **Ўзбекистонда ўтказилган Қозоғистон йилидан нима қутяпсиз?**

– Биринчи навбатда, биз ўзбекистонликлар Қозоғистон йили тадбирларида кенг ва фаол иштирок этишларига ишонамиз. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ушбу улкан воқеадан ўзи учун нимадир олиши ва Қозоғистоннинг бир бўлагини доимо ўз қалбига ҳис қилиши биз учун жуда муҳим. Шу боис, биз Қозоғистон йили дастурини имкон қадар ранг-баранг ва мазмунли тайёрлашга ҳаракат қилдик.

Ишбилармонлар ва сиёсатчилар учун бизнес-форум, анжуманлар алоҳида аҳамият касб этса, талабалар учун таълимга оид кўргазмалар ўтказилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, кўплаб маданий, спорт ва сайёҳлик тадбирлари ҳам ташкил этилади.

Қозоғистон йилининг географик қамровига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тадбирлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтказилади. Шу орқали биз ҳудудлараро кооперацияни янада кенгайтириш, аҳоли ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлашишига ишонамиз.

Савдо-сотик, чегараолди ҳамкорлиги, туризм, транспорт ва маданият каби соҳаларга оид барчага маълум ташаббус ва лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар давом эттирилади.

Шунингдек, назорат-ўтказиш пунктларимизни модернизация қилиш ишларини ниҳоясига етказамиз, бу давлат чегараларидан ўтишда вақтинчи сезиларли даражада теҳаш имконини беради. Замонавий чегара ва

божхона инфратузилмасини яратиш – бизнинг мақсадимиз бўлиб қолаверди. Бу оддий фуқаролар учун, бизнес учун зарур, бундан ташқари, бу ишлар мамлакатларимиз сайёҳлик салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, биз Ўзбекистон билан иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорлиқнинг барча йўналишлари бўйича ишларни давом эттиришга тайёرمиз.

Булларнинг барчаси ўзаро англашув ва ҳамкорлиқнинг янги кўприкларини барпо этиш имконини беради. Ўзбек халқ мақолида айтилганидек: «Ён қўшним – жон қўшним». Ўзбекистонда ўтказилган Қозоғистон йили халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона ва яхши қўшничлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил.

– **Сиёсатшунослар 1990-йиллардан бошлаб Марказий Осиё ҳақида кўп ёзишади. Бу борада Бжезинский ва бошқаларнинг асарларини эслаш kifоя. Бироқ танқидий прогнозларнинг биронтаси ҳам амалга ошмади. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатида ўрнини қандай баҳолайсиз?**

– Дарҳақиқат, мустақилликка эришилгандан бошлаб кўплаб эксперт ва кузатувчилар аксар ҳолларда Марказий Осиё тараққиётининг салбий сценарийсини прогноз қилган эди. Мамлакатларимизнинг парчаланиб кетиши, назорат қилиб бўлмайдиган терроризм хавфининг кучайиши, қандайдир «халифат»га айланиши, ички низолар, иқтисодий ва ижтимоий таназзуллар башорат қилинган эди.

Бироқ Марказий Осиёни «болқонлаштириш» прогнозлари рўйга чиқмади. Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг мустақиллик йилларидаги дадил қадамлари минтақада барқарорликни сақлаш имконини берди, бу эса узоқ муддатли изчил тараққиётга мутахкам пойдевор қуришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Марказий Осиё тараққиётнинг янги даврини бошдан кечирмоқда. Давлатлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, барча долзарб масалалар бўйича ўзаро мақбул ечимлар топиш тенденциялари қайд этилмоқда. Бунинг учун биз минтақадаги барча раҳбарларнинг сиёсий

иродаси, яхши қўшничлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлиги каби энг асосий жиҳатга эгамиз.

2018 йилнинг март ойида Қозоғистон пойтахтида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтган эди. Ушбу воқеани, ҳеч бир муносабатсиз, минтақавий ҳамкорликдаги янги босқич, деб аташ мумкин. Учрашув давомида беш томонлама ҳамкорлиқнинг асосий устувор йўналишлари ва келгуси режалар белгилаб олинди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сиёсий мулоқот сезиларли даражада ошди, минтақада оид ички ва халқаро аксарият масалаларга доир қарашлар яқинлиги ёки бир-бирига мос келиши ўз исботини топди.

Ҳамкорлиқнинг янги суръати ҳозирдан кўзга самараларини бермоқда. Марказий Осиёдаги товар айирбошлаш ҳажми анча ошди, авиа-автомобиль ва темир йўл йўналишлари очилмоқда, ўтказиш пунктлари модернизация қилинмоқда, инфратузилма лойиҳалари амалга ошириляпти. Ички минтақавий иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда, чегараларга оид масалалар келишиб олинмоқда, сув ресурслари ва экологиядан оқилона фойдаланиш масалалари биргаликда ҳал этилмоқда.

Минтақалаштириш ва кооперация тенденциялари замонавий дунёни ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Ҳатто йирик ва ўзига туқ мамлакатлар ҳам ўз шериклари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик ва ўрта давлатлар учун ҳамкорлиқнинг самарали платформаларини яратиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ўта муҳим бўлиб, бусиз узоқ муддатли ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг табиий яқинлашувини қандайдир «қотиб қолган менталитет», деб талқин этиб бўлмайди. Марказий Осиёдаги бугунги ижобий жараёнлар фақат биз учунгина фойдали бўлиб қолмай, минтақадаги азалий шерикларимиз манфаатларига ҳам хизмат қилади. Қозоғистон барча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорлиқнинг барча шакллари учун очикдир.

ЎЗА

Тошкент
вилояти

Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишлаб семинар ташкил этди.

Ўқув

Меҳнат
муҳофазасининг
ҳуқуқий
асослари

Касаба уюшма қўмиталари раислари ва меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари иштирок этган тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати қороналарда ишлётган ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги, хавфсиз шарт-шароитларини яратишга қўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш тамойилларига асослангани хусусида сўз борди.

Тадбирда ташкилот ва қороналарда ишларни хавфсиз ташкил этиш, ходимлар саломатлигини сақлашга эътибор қаратишга доир видеоорлик намойиш этилди.

Ортиқ АҚРАМОВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани
кенгаши раисиНавоий
вилояти

Ишчи ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаси сирасига қиради.

Касаба уюшмаси
аралашгач...Ишга
тикланди,
маошлар
тўланди...

Навоий вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашида ҳар бир мурожаат доимий эътиборга олинган. Мисол учун айтадиган бўлсак, Навоий шаҳар «Халқ банки» бошқарувчиси ўринбосари Фуқрат Мўминов бирлашмага қайта ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундириш ҳақида мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат ўрганиб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд даъво аризасини қаноатлантирди. Мурожаатчи ишга тикланди ҳамда унга мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан 19 863 051 сўм иш ҳақи, 5 675 157 сўм миқдорида маънавий зарар ундирилди.

Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги 22-сонли мактабгача таълим муассасаси ходимларининг иш ҳақларини ундириш бўйича қилган мурожаати ҳам қонуний тартибда ўрганиб чиқилди. Навоий шаҳар Мактабгача таълим бўлимига киритилган тақдирномага асосан ишчи-ҳодимларга 79 413 267 сўмлик иш ҳақи тўланди.

«Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат вазифасини бажариш жараёнида касб касалликларига чалинган туфайли етказилган зарарни ундириб бериш тўғрисида мурожаат қилган фуқарога касаба уюшмаси кўмағида иш берувчи бир йўла 26 837 315 сўмлик нафақа тўлаб берди.

Бу, шубҳасиз, ҳуқуқи бузилган ходимларнинг касаба уюшмасига қилган мурожаатлари безътибор қолмасдан, ўз вақтида ва жойида ечимини топаётганидан далолатдир.

Алишер РАҲМАТОВ,

Навоий вилояти касаба уюшма
ташкилотлари бирлашмаси юридик
бўлими мудири

Ҳаёт – камалакдек сержило

Президентимизнинг қарори ижросини тўлиқ ва сифатли таъминлашда вилоят ҳамда туман ҳокимликлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлаш зарур, – дейди Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Шокиржон Болтабоев. – Манзилли рўйхатни шакллантиришда шаффофликни таъминлашга, уй-жой қуриш учун ўз вақтида ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ҳамда коммуникация тармоқларига улаш жараёнида сифатли иш ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди.

Бу дунёда меҳр-у оқибатдан улуг туйғу йўқлигига яна бир қарра амин бўлдим, – дейди Қўрғонтепа туманида яшовчи Шаҳноза Мўминова. – Уч нафар фарзанд билан ижарама-ижара кўчиб юриш борган сари тушқунликка тушибди, иродадан букиб келаётган эди. Чунки ўзгаларнинг уйида, бировнинг қош-қовоғига қараб яшашдан қийин нарса йўқ. Ниҳоят, орзуларимиз ўшналди. Туманимизнинг «Учқун» маҳалласида барпо этилган намунавий турар-жойлардан бири беғараз тақдим этилгандан бошим кўкка етди. Шинам уйларда яшаш кишининг дунёқарашига, ҳаёт тарзига ҳам ижобий таъсир қилади, албатта. Фарзандларимни элга муносиб, одамларга яхшилик улашиб яшовчи инсонлар қилиб тарбиялайман.

Таъкидлаш ўринлики, вилоят бўйича шу кунга қадар 3 минг 478 та оилага маиший техника жиҳозлари тарқатилган бўлса, турли даражадаги оғир хасталикларга чалинган 192 нафар ҳамюртларимиз эҳтиёжлари учун вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг зарур ёрдам



бергани туфайли соғайиб оёққа турди. Вилоят бўйича қарор доирасидаги хайрли мақсадлар учун умумий ҳисобда 18 миллиард 269 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Албатта, бу рақамлар замирида эътибордан кўнгли юксалган қанчадан-қанча ватандошларимизнинг юз-у кўзларида ҳаётдан розилик ифодалари жамул-жам.

Ҳаётимизга ёғилаётган нур, фэйз-у барақа айнан халқимизга хос меҳр-муруват, ўзаро оқибат, ҳамжихатлик фазилатлари, ён-атрофимиздаги кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатишдек, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек эзгу амаллар туфайлидир.

Нурилло НЎҲОМОНОВ,
«ISHONCH»Қашқадарё
вилояти

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Касби туманидаги «Қамаши» МФИда яшовчи 66 ёшли Ражабмо Қиличова янги қурилган уйга кўчиб ўтди.

Вилоят касаба уюшма фаоллари, Касби тумани ҳокимлиги ва бошқа давлат ҳамда маъмурият ташкилотлари вакилларида иштирокида ўтган тад-

бирда янги уй қалитини қабул қилиб олган Ражабмо момо кўнглидан кечаётган ҳаяжонларини яширолмади.

Оилавий шароитим оғир, яшаётган уйим авария ҳолатда, бунинг устига, уйнинг ёғоч қисмини термитлар еб битираётган эди, – дейди у. – Ана шу тахлит кечаётган кунларнинг бирида касаба уюшмаси ва маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳ келиб шароитимизни ўрганди. Нималарнидир ёзиб олишди, уйни суратга туширишди. Орадан кўп ўтмай бизга барча ҳавас қиладиган уй-жой қуриб беришди. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Худди шу қишлоқда яшовчи яна бир фуқаро Шоҳиста Ҳақбердиеваннинг эса уйи таъмирлаб берилди.

– Боқувчимиз йўқ, – дейди

Шоҳиста опа. – Шу боис, яшаётган уйимизни таъмирлашга имконимиз йўқ эди. Уйимизнинг таъмирланиши кўп йиллик муаммомизга ечим бўлди. Бундай ҳамўрликдан, кўрсатилаётган эътибордан қувончимизнинг чеки йўқ.

«Касби» МФИда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Абдулла Отақуловнинг ҳам яшаш шароити ўрганилганида хонадонда газ плитаси йўқлиги, овқат қилиш, ҳатто, чой дамлаш учун ҳам ўтин қамлаш, ўчоқ ёқишга мажбур бўлишга теггани ишчи гуруҳнинг эътиборини тортди. Тез орада бу муаммо ҳал этилиб, оилага замонавий газ плитаси ҳамда газ баллон соғва қилинди.

Касаба уюшма фаоллари аҳолиимизни ўрганиб кетишганида, рост, бирор натижа чиқишига ишонмаган эдим, – дейди Абдулла Отақулов. – Бизга берилган маиший техника воситалари билан шароитимиз яхшиланди. Беминнат яхшиликдан бошимиз кўкка етди.

Бундан ташқари, «Месит» МФИда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Содиқжон Норқуловнинг беморлиги, дори-дармон олишга имконияти етмаётгани аниқланиб, унга ҳам моддий кўмак кўрсатилди.

– Малакали шифокорлар муолажасига муҳтож эдим, – дейди Содиқжон. – Фаолларнинг тавсиясига кўра, дори-дармон воситалари ажратилди. Муолажа оляпман. Энди руҳим тетик, соғлиғим ҳам тикланмоқда. Эл корига камарбаста бўлиб келаётган, кўмак бераётган фидойи инсонлар доим бор бўлсин!

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Адабиёт гулшани

Куч, Ақл ва Юрак қай биримиз инсонга кўпроқ керакми, дея баҳслашиб қолишибди. Улар бир фикрга келиша олмасликлари амин бўлиб, бу масалани ечиш учун ёрдам сўраб Билимга мурожаат этишибди.

– Сўзимни тингла, Билим, – дебди Куч, – заҳматли меҳнатсиз маҳоратга ҳам, бойликка ҳам эришиб бўлмайди. Фақатгина мен одамни енгилтакликлардан, инсон шаънига мос келмайдиган бемаъни ишлардан, беғам яшашга ружу қўйишдан асраб қола оламан. Фақатгина мен уни руҳан тушун бўлишига йўл қўймайман ва ҳаттоки куппа-кундуз кунни ҳам йўлдан адашган одамларни тўғри йўлга қайтараман. Эшитяпсанми, Билим! Одамлар менинг ғайрат-шижоатим

нинг нимага қодирлигини биламан ва илмнинг тилини тушунаман. Ахир, қандай қилиб мен билан баҳслашиш мумкин, модомики, одамлар менсиз фойда ва зиёни фарқлай билмасалар, бало-ю офатдан халос бўлишга чора топмасалар, қандай қилиб илм олишни тушунмасалар?..

Шунда Юрак чидай олмабди:

– Мен – инсон ҳаётининг подшоҳиман! – хитоб қилибди у. – Мен томирларга қон югуртираман, жон менинг ичимга ватан куради. Айнан шунинг учун менсиз тириклик йўқ! Мен иссиқ уйда, юмшоқ ўринда ётган, томоғи тўқ одамларнинг уйқусини бузаман, уларни қашшоқ, оч-юпун ва бошпанасиз одамлар тақдири учун изтироб чекишга мажбур

нинг яна кўп хислатларини эсламадинг. Сенсиз бу ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ баъзан сенинг имкониятларинг одамлар учун зулм-у шафқатсизликка эврилиди. Сенинг чангалинг қаттиқ, ушлаган жойингни узиб оласан. Ноҳақлик тарафидан бўлсанг – бало-ю кулфат келтирасан. Сенинг яхши хислатларинг кўп, бироқ ёвуз қилиқларинг ҳам оз эмас. Шуниси ёмон-да.

Эй, Ақл, сен ҳам тўғри сўзладинг. Сенсиз одамнинг ҳеч нарсага эриша олмаслиги рост. Табиат, ҳаёт ва руҳият сирларини кашф этиш неъматига сенга ато этилган. Ҳатто Яратгани ҳам бандаларга сен танитасан. Сен икки оламдаги ҳаёт сирларини ҳам эгаллагансан. Бироқ бу ҳам сени қониқтир-



Абай

роринг ортидан эргаша олмайди. У яхши фикрини маъқуллайди ва жон деб уни бажаришга ҳаракат қилади. Ёмон ниятининг эса, умуман қабул қилмайди ва бунинг учун нафратланиб сени уйдан қувиб чиқаради.

Сен эса, Куч, қудратли ва чўртке-сарсан. Юрак сени ўз эркинга қўймайди. Яхшилик учун сени аямай ишлатади. Ёмонлик учун ишламоқчи бўлсанг, йўлингга тўсади.

Барчангиз бошинингизни бир ерга қўшиб, бирлашингиз ва юрак амрига бўйсунингиз. Барчангиз биз одамда мужассам бўлсангиз, юрак йўлбошчи бўлади. Унинг қадамидан чиққан чанг кўрларнинг кўзини очади.


Агарда сиз келиша олмасангиз, унда мен Юракни, инсон вужуди ва руҳининг подшоҳини ёқлайман. Хайр-у барака шунда, юрагининг тоза сақла, Аллоҳ таоло ҳамisha юрагингга боқади. Илоҳий китобда шундай ёзилган!

Олтинчи сўз

(«Насиҳатлар»дан)

Козоқларда: «Хунарининг боши бирликда, ризқнинг боши тирикликда» деган мақол бор. Аммо улар: бундай бирлик қандай элда қандай қилса бўлади – бунни билишмайди. Улар: от ўртада, ош ўртада, кийим ўртада, бойлик ўртада бўлса экан, деб ўйлашади. Ундай бўлса – бойликдан нима фойда-ю, камбағалликдан нима зиён? Ундай бўлса ошна-оғайнинг йўқолмай туриб, мол топишнинг нима кераги бор? Шуми бирлик? Йўқ! Бирлик – кўрангидан молда эмас, тушунчанда бўлиши керак. Мол берсанг отаси бошқа, онаси бошқа, дини бошқа, тирикчилиги бошқалар ҳам сен билан тинч-тотув бўлаверади. Агар бирлик мана шундай ҳисоб билан ўлчанса, яъни молга сотиб олинса, бу бирлик – бирлик эмас, аблаҳликдир! Дўст бўламан деган киши бер демасдан дўст дўст бўлса, тинч-тотув яшаса, туз-насибасини Худодан тиласа яхши бўлади. Акс ҳолда, туз-насибасини Худодан тиламайди, меҳнат қилмайди ва бир-бирига бало излайди, бир-бирини алдашнинг пайига тушади. Хўш, шу ҳам бирлик бўлдики энди?

«Ризқ – тирикликда» дейишади. Бу нима дегани? Демак, танангга жонинг бўлса, тириклик шуми? Йўқ, бундақа тириклик итда ҳам бор. Тирикликни шундай деб тушуниб, шу тушунча билан яшаган одам ўлимни ёт қўриб, охирагга душман бўлади. Ўз жонининг химоя қилиб, ёв тегса қочиб, қўрқоқ аталиб, меҳнат қилишдан бош тор-



тиб, эринчоқлик қилиб, махсимча бўлиб юриш – бу ҳам юқорида айтилган ризққа нисбатан нонқурлик қилишдир. Тирикликни бундай тушуниш ярамайди; ўзинг тирик бўлганинг билан кўнглинг, кўрагинг ўлик бўлса, бу тириклик – тириклик эмас, албатта; ўзинг тирик бўлсанг-у, кўрагинг ўлик бўлса – ақл топсанг мол топмайсан, мол топсанг ақл топмайсан. Ҳалол меҳнатинг билан эринчоқлик қилмай мол топиш учун ғайрат қилолмайсан.

Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра – бундан Худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал.

Қозоқчадан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

Юрак амри билан

(«Қора сўз» асаридан)

шарофати билан бедор ва заҳматли меҳнатлари эвазига сени эгаллайдилар. Демак, бундан келиб чиқадики, ўз тараққиётинг учун сен ҳам мендан қарздорсан. Тунлари уйқу, кундузи чарчоқ нималигини билмай меҳнат қилганлари туфайли одамлар худони танишади, ўзиганинг англашади. Бунинг учун улар мендан қарздор. Қани, айтчи, Билим, аёови иккаласи нима учун мен билан баҳслашмоқда?..

Шундан сўнг Ақл сўз бошлабди:

– Инсон учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам нима фойдали ва нима зарарли эканини билидиган менман. Ахир, абадий ҳаётнинг асоси шунда эмасми? Одамлар менинг изимда ҳаракат қиладилар. Мен инсон кучи-

қиламан. Мен туфайли катталарга ҳурмат, кичикларга иззат барқарор. Бироқ одамлар мени тоза сақлай олмайдилар ва оқибатда хор бўладилар. Мен тоза бўлсам адаштирмайман: яхшиликдан қувониб, эриб кетадиган мен, ёмонликдан жирканиб, юз буриб, аразлаб кетадиган мен. Адолат, инсоф, ор-номус, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат деган фазилатларнинг барчаси мендан чиқади. Менсиз одамзотнинг кўрган кўни курсин! Бас, шундай экан, анави иккаласи мен билан нечун талашади?

Учаласининг ҳам сўзини эшитиб бўлган Билим шундай дебди:

– Эй куч, сенинг барча айтганларинг ҳақиқат. Сен аини дамда ўзинг-

мади. Шумлик ва макр-у ҳийлани урчитдинг. Икки оламдаги хазиналар эшигини очиш калити сенда, айнан шунинг учун ҳам яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам сенга суяна бошладилар. Фожеа шундаки, сен буларнинг ҳам, уларнинг ҳам истакларини бажо келтиришга ҳамisha тайёрсан. Шу ишинг ёмон.

Инсон учун қайси бирингиз муҳим аҳамиятга эга эканингни аниқлаб беришимни сўраб менга мурожаат қилган экансиз, тўғриси айтмаман. Бироқ мен сизларни бир-бирингизга қарама-қарши қўймоқчи эмасман.

Хар доим раҳнамонгиз Юрак бўлсин. Сен, Ақл, кўпқиррали ва турли қиёфалисан. Юрак сенинг ҳар бир қа-



Бухоро вилояти

ЗИЁ САРЧАШМАСИ

«Бухоро китоб олами» қалбларни нурафшон этмоқда

«Бухоро китоб олами» савдо мажмуасини бухороликлар яхши билади. Очилганига икки йил тўлаётган ушбу маърифий маскан китобсеварларнинг маънавий эҳтиёжларини, аҳолининг канцелярия маҳсулотларига талабларини юқори даражада қондирапти. Эътиборлиси, илгари Бухоро шаҳридаги «Варахша» меҳмонхонасига қарашли умумий овқатланиш шохбачаси бўлган, аynи пайтда Эъзоз Бобомуродов раҳбарлигидаги йирик савдо мажмуаси жойлашган муҳташам бино фақат шу мақсадгагина хизмат қилмайди. Бир йилга яқин вақт ичида бу ерда турли йўналишларда яна қатор муассасалар иш бошлади.

ҚАЛДИРҒОЧ САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИГИ

«Anor travel company» сайёҳлик агентлиги ҳақида аynи шундай таърифни қўйлаш мумкин. Йил бошидан буён фаолият кўрсатаётган мазкур агентлик юртдошларимизга ички ва ташқи туризм, чет элликларга эса Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йўналишларида хизмат кўрсатмоқда. Хусусан, агентлиكنинг «Ётти пир» силсиласидаги қадамжоларга, шунингдек, Самарқанд, Хива сингари қўхна шаҳарларга уюштиратган сайёҳлик сафарлари ҳар жиҳатдан мароқли ўтати. Бундан ташқари, Феруза Раҳмонова раҳбарлик қилаётган муассаса дастуридан Туркия, Таиланд, Малайзия, Индонезия, Европадаги қатор мамлакатларга саёҳатлар ҳам ўрин олган. Ўз навбатида, улар тарихий масканлар, табиат, соҳилбўйи туризми йўналишларидан иборат. Чунончи, юртдошларимиз агентлик кўмагида Туркия ва Мисрнинг қадимий гўшаларини томоша қилиб, табиат кучоғида, Қизил денгиз бўйларида ҳордиқ чиқаришяпти. Таиланднинг Пхукет, Патаяя сингари ороллари гўзаллигидан баҳра олишмоқда.

Бундан ташқари, агентлик хорижлик саёҳатчиларга «Буюк ипак йўли» йўналишида транспорт, меҳмонхона, овқатланиш, гид-экскурсадов хизматларини кўрсатяпти. Табиийки, тез орада бу ташкилотнинг фаолият микёси янада ошади. Зеро, шу каби турагентликлар-

нинг кўпайиб, самарали ишлаши орқали мамлакатимизда туризм равнақи таъминланиши аниқ. «Анор» бренди остида секин-аста танилаётган ушбу муассасанинг таъсисчиси эса «Бухоро китоб олами» бўлиб, унинг бош офиси аynи аynи маскани билан бир манзилда жойлашган.

ШУ ЕРДАН ХОРИЖГА «УЧИРМА»

Чет элда ўқишни кўпчилик хоҳлайди. Лекин бунга эришиш осон эмас. Аynи шундай ниятдаги йигит-қизлар «Бухоро китоб олами»га бориб, тегишли мутахассисларга мурожаат этишса, ки-фой. Аниқроғи, бир йилдан бери ушбу корхона билан умумий масканда хизмат кўрсатаётган «ASIA EDUCATION» компанияси барча хоҳловчиларга Хитой, Жанубий Корея, Польша ва Мала-тадаги ўттиздан ортиқ олий ўқув юрти-нинг бакалаврият ҳамда магистратура йўналишларида таҳсил олишга кўмакла-шади. Хўш, бу қандай амалга ошади?

Компания раҳбари Шоҳобиддин Садридидиновнинг айтишича, чет эл-даги муайян таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва шунга кўра инглиз тили бўйича IELTS сертификатига эга юртдошларимиз бе-восита «ASIA EDUCATION» ёрдамида ўша билим масканларига имтиҳонсиз ҳам қабул қилиняпти. Бунинг учун даст-лаб мазкур компанияга мурожаат этган шахслнинг ҳужжатлари тайёрланиб, хо-

рижий ОТМга юборилади. Сўнгра шарт-нома тузилади. Томонлар келишувига мувофиқ ўқиш қайси хорижий тилда бў-лиши талабанинг ихтиёрида. Мабодо у тегишли тили билмаса, 1-курсда бепул ўргатилади. Қайсидир мутахассислик бўйича ўқишнинг ўзи эса пуллик. Бун-дан ташқари, компания йигит-қизларга виза олишга ёрдам беради. Талабалар чет элдаги таҳсил чоғида бирон муам-мога йўлиқса ҳам «ASIA EDUCATION»га суяниши мумкин.

«Бу ташкилотнинг кўмагисиз ҳам хо-рижда ўқиса бўлади-ку?!» деган савол туғилиши табиий. Шунга жавоб тари-қсида бир мисолни келтирсак. Чин юр-тидаги Сичуан санъат ва фан универ-ситети (Sichuan university of arts and science)нинг компьютер технология-лари факультети талабаси, бухоролик Умидали Жабборов ўқиши учун бир йилда 722 АҚШ доллари тўлаяпти. Агар у «ASIA EDUCATION» имкониятларидан фойдаланмаганида 1733 доллар сарф-лашига тўғри келарди. Ўз навбатида, ётоқхона харажатлари 650 долларга ту-шар эди. Бунинг ўрнига ўша йигитнинг ётоқ учун тўлови уч ярим баробар ар-зон миқдорни ташкил этмоқда.

Умуман, Бухородаги компания имко-ниятларидан фойдаланишнинг шусингари афзалликлари кўп. «ASIA EDUCATION» мутаасаддилари фаолият қўламини янада кенгайтириш ниятида. Хусусан, яқин кела-жақда уларнинг халқаро таълим ҳамкор-

лиги дастуридан Америка, Фарбий Европа ва Россиядаги олий таълим даргоҳлари билан худди шундай битимлар тузиш ре-жалаштирилмоқда.

ТАЛАБГА МОС ТАНЛОВ

Дарвоқе, яқинда «Бухоро китоб олами» МЧЖ таъсисчилигида эркаклар кийим-кечаклари дўкони очилди. Бу-нинг учун икки миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. «Атланта» номли ушбу йирик савдо масканида ҳозир юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни кўриш мумкин. Шу тариқа эркаклар ва ўғил болаларга мос турли бичим ҳамда ўлчамдаги бош, оёқ, маросим, спорт кийимлари, уст-бош, костюм-шимлар харидорларга манзур бўлмоқда. Юрти-миш, Туркия, Хитой, Вьетнамда ишлаб чиқарилган бундай сифатли, кўркам, нисбатан арзон либослар чегирмалар асосида, шунингдек, «1+1=3» кўрини-шидаги акциялар, бонуслар орқали ҳам сотиляпти. «Атланта» ходимлари «Тала-бга мос танлов» шиори остида иш юри-тишмоқда.

Хуллас, «интиланга толе ёр» деган шiorга қатъий амал қилаётган бухоро-лик тадбиркорлар китобнинг зиё, илм ва маърифат чашмаси эканини теран англаб етишган. Эҳтимол, эришилаётган ютуқлар сири шунда бўлса, ажаб эмас.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»

Интилиш

Тошкент шаҳри

Мусобақа



Меҳнатда ҳам, спорт ҳам фаол

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши тизимдаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирокида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақа ўт-казди.

16 та корхона, идора ва ташкилотларнинг футбол жа-моалари иштирок этган спорт байрамида 1-ўрин Наман-ган «Suvqova» ДУК жамоа-сига, 2-ўрин «Vostok» кури-лиш холдинг компаниясига, 3-ўрин Тошкент шаҳрининг «Suvsoz» жамоасига насиб этди. Уларга кўчма кубок, дип-лом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. «Энг яхши химо-ячи», «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳужумчи» номина-циялари бўйича ҳам ғолиблар аникланди.

– Ушбу мусобақанинг таш-кил этилиши барчамизга яхши кайфият, ўзаро дўстона муно-сабатлар билан бир қаторда, спортга бўлган қизиқиши-мизни янада оширди, – дейди



ғолиб жамоа сардори, Наман-ган «Suvqova» ДУК юридик истеъмолчилар бўлими техник кузатувчиси Қодир Тошматов.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқўқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Нобоев

Мусахҳиш:

А. Абдулфайзов

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдулжалилов

ЎЗА яқини – 21:50

Топширилди – 01:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 417. 30112 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133